

Salima RUSTAMIY,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,
doctor of science DSc, docent of the department
classical oriental literature and source study.
s.rustamiy@iiaau.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

МАҲМУД КОШҒАРИЙ ТУРКИЙ ТИЛЛАРИНИНГ ФОНЕТИК, ГРАФИК ВА МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

МАХМУД КАШГАРИ О ФОНЕТИЧЕСКИХ, ГРАФИЧЕСКИХ И МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЯХ ТЮРКСКИХ ЯЗЫКОВ

MAHMUD KASHGARI'S VIEWS ON FONETIC, GRAPHIC AND MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF TURKIC LANGUAGES

Таянч сўзлар: *лугат, муқаддима, қиёсий метод, товуш, ҳарф, қўшимча, араб тилишунослиги, туркий сўзлар, ҳаракат.*

Ключевые слова: *гlossарий, введение, сравнительный метод, звук, буква, суффикс, арабская лингвистика, тюркские слова, ҳаракат.*

Keywords: *glossary, introduction, comparative method, sound, letter, suffix, Arabic linguistics, Turkic words, ҳаракат.*

Ўрта асрлар Шарқ илму фани, маданияти ва санъати тараққий этган давр ҳисобланади. Бу даврда математика, астраномия, география, тиббиёт ва бошқа фанлар қатори адабиётшунослик (Nizamova, 2019; Rustamiy, 2018), тилишунослик (Nosirova, 2019; Akmalkhanov, 2019) фанлари ҳам ривожланди, бу даврда яратилган асарлар кейинги даврлар (Shoaliyeva, 2019) учун назарий асос бўлиб қолди. Булар орасида «Юртимиздан жаҳон фани ва маданиятига ўзининг серқирра илмий мероси билан улкан ҳисса қўшган минглаб алломалар етишиб чиққан. Уларнинг нодир қўлзма асарлари дунёнинг турли мамлакатлари фондларига тарқалган ва ҳозирда ўша фондларнинг кўрки даражасидаги маънавий бойлигига айланган» (Islomov, 2019, p.4).

XI асрда яшаган биринчи туркшунос, лаҳжашунос ва қиёсий услуб соҳиби Маҳмуд Кошғарий ҳам «Девону луғоти-т-турк» асари билан туркий тилишунослик равнақига муносиб ҳисса қўшди. Бизгача етиб келган бу қадимий луғатнинг

ягона қўлзмаси нодир нусхалардан ҳисобланади (Divanü lügat-it-türk dizini, 1972).

«Девону луғоти-т-турк» туркий тилларга оид муҳим маълумотлари билан жаҳон тилишунос олимлари эътиборини тортиб келмоқда (Mutallibov, 1960; Al-Kashgari, 2010; Koshgariy, 2016; Alimuhamedov, 2017; Al-Kashgari, 2018; Koshgariy, 2017).

«Девону луғоти-т-турк»нинг муқаддимасида туркий қабилалар ҳақида сўз кетади. Бундан ташқари туркий тиллар ҳақида қиёсий-тарихий маълумотлар мавжуд бўлиб, уларнинг график ва фонетик хусусиятлари баён этилган.

Турклар ҳақидаги маълумот. Маҳмуд Кошғарий турклар ҳақида «Турк табақалари ва қабилаларининг баёни ҳақида» бўлимида ва асарнинг луғат қисмида маълумот беради: «Турклар аслида йигирма қабиладир. Улар ҳаммаси Нух пайғамбар ўғли Ёфас, Ёфас ўғли Туркка бориб тақаладилар... Ҳар бир қабиланинг саноксиз аллақанча уруғлари бор... Шарқдан бошлаб ҳар бир қабиланинг турар жойларини бирин-кетин тартиб билан кўрсатдим. Румдан кун чиқаргача бўлган мусулмон ва бошқаларни зикр қилдим. Румга яқин биринчи қабил асрлар, сўнг қипчоқ, ўғуз, ямак, бошғирт, басмил, сўнг қай, сўнг ябақу, сўнг татар, сўнг қирғиз келади. Қирғизлар Чин яқинидадирлар. Бу қабилалар ҳаммаси Рум ёнидан кун чиқаргача чўзилгандир. Сўнг чигил, сўнг тухси, сўнг яғмо, сўнг игрок, сўнг чарук, сўнг чумул, сўнг уйгур, сўнг тангут, сўнг хитой. Хитой – Чиндир. Сўнгра тавғач; бу Мочиндир.

Бу қабилалар Жануб ва Шимол ўртасидадир» (Mutallibov, 1960).

Ўғузлар ҳақидаги батафсил маълумот Девоннинг луғат қисмида берилган: «Ўғуз – туркларнинг бир қабиласи. Ўғузлар туркманлардир. Улар йигирма икки уруғдир. Ҳар бирининг махсус белгилари, молларига хос тамғалари бўлган. Уруғларни шу тамғаларга қараб ажратганлар. Бу уруғлар қуйидагилардир: киниклар, хоқонлар шу уруғдан бўлганлар; қайиғлар; бойунлар; ивалар ёки йивалар; солғурлар; офшорлар; бектилилар; буктузлар; боётлар; ёзғирлар; эймурлар; қорабўлуклар; олқабўлуклар; игдарлар; уракирлар; тўтирқалар; улаюндлуғлар; тўгарлар; бачанаклар; жуводдорлар; жапнилар; жаруғлуклар» (Mutallibov, 1960).

Маҳмуд Кошғарий булар асосий қабилалар бўлиб, ҳар бирининг аймоқлари борлигини, бу номлар у қабилаларнинг энг қадимги боболарининг исми билан юритилиши, бу худди араблар қадимги оталарига нисбат бериб бану Салим, яъни Салим

Мазкур мақолада XI асрда туркий тилларнинг назарий асосларини ишлаб чиққан биринчи туркшунос олим Маҳмуд Кошғарий «Девону луғоти-т-турк» асарида келтирган фонетика, графика, морфологияга оид масалалар ёритилган.

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғоти-т-турк» асарида туркий тиллар грамматикасини араб тилида, араб тилишунослигига хос усул ва атамалар воситасида тавсифлаган. Мазкур мақолада Маҳмуд Кошғарий томонидан қўлланган ҳаракат, ҳарф ва уларнинг турларини англатувчи атамаларнинг араб, туркий сўзлар фонетик ва морфологик хусусиятларини ёритишдаги ўрни кўрсатилган.

Маҳмуд Кошғарий туркий сўзлар таркибида ҳарф шаклида ифодаланмаган унли товушларга нисбатан араб тилидаги каби ҳаракат тушунчасини киритган ва ҳаракат турларига мос келувчи атамаларни қўллаган. Асарда [a] қисқа унлиси учун فتح fath(un), نصب naṣb(un), تفتح taftaḥu, مفتوح maftūḥ(un), منصوب maṣṣūb(un), [i] كسر kasr(un), مكسور maksūr(un) maksūra(tun), انكسر inkasara, تكسر taksiru, كسرت kusirat, [u] унлиси учун ضم ḍamm(un), رفع rafʿ(un), مضمومة maḍmūma(tun), مرفوع marfūʿ(un), ضمت ḍammat, انضمت inḍammat, ترفع tarfaʿu, қисқа унли мавжуд эмаслигини англатувчи sukūn, ساكن sākin (sākina), مسكن musakkan (musakkana), يسكن yaskunu (taskunu), سكنت sakanat каби феъл, масдар, сифатдош шаклларидаги атамаларни қўллаган.

«Девону луғоти-т-турк»да ҳарф атамаси араб тилидаги каби фонетик бирликлар ҳамда кўмакчи, боғловчи, юклама, қўшимча, ундов, сўрок каби сўзларга нисбатан қўлланган.

В статье рассматриваются некоторые вопросы фонетики, графики и морфологии в произведении «Диван лугат ат-турк» первого тюрколога Махмуда Кашгари, который разработал теоретические основы тюркских языков в 11 веке.

Махмуд Кашгари в книге «Диван лугат ат-турк» разъяснил грамматику тюркских языков на арабском языке, на основе методов и терминов, свойственных арабской лингвистике. В статье рассматриваются роли огласовок (ḥarakat) и служебных слов (ḥarf), а также термины, обозначающие их типы (разновидности) при выявлении фонетических и морфологических особенностей арабских и тюркских слов.

Махмуд Кашгари в отношении тюркских слов на основе терминологии арабской лингвистики, ввел понятие ḥarakat для звуков, которые не выражены буквами и использовал соответствующие термины для типов огласовок.

Махмуд Кашгари использует эти термины как для форм глагола, имени действия и причастия, так и для обозначения кратких гласных [a] فتح fath(un), نصب naṣb(un), تفتح taftaḥu, مفتوح maftūḥ(un), منصوب maṣṣūb(un), а также для обозначения звука [i] كسر kasr(un), مكسور maksūr(un) maksūra(tun), انكسر inkasara, تكسر taksiru, كسرت kusirat, для выражения гласного [u] ضم ḍamm(un), رفع rafʿ(un), مضمومة maḍmūma(tun), مرفوع marfūʿ(un), ضمت ḍammat, انضمت inḍammat, ترفع tarfaʿu, для обозначения отсутствия краткого гласного sukūn, ساكن sākin (sākina), مسكن musakkan (musakkana), يسكن yaskunu (taskunu), سكنت sakanat.

В «Диван лугат ат-турк» термин ḥarf, как в арабском языке, используется для обозначения фонетических единиц, предлогов, союзов, суффиксов, междометий, частиц и вопросительных слов.

The article discusses some issues of phonetics, graphics, and morphology covered in the book «Diwan Lugat at-Turk» by the first Turkic linguist Mahmud Kashgari who worked out the theoretical foundations of Turkic languages in the 11th century.

Mahmud Kashgari in the book «Diwan Lugat at-Turk» elucidated the grammar of Turkic languages in the Arabic language, using methods and terms used in Arabic linguistics. The article deals with the place of ḥarakat, ḥarf, and the terms signifying their types in elucidating the phonetic and morphological peculiarities of Arabic and Turkic words.

Mahmud Kashgari introduced the notion ḥarakat for designating the sounds which are not expressed in the form of letters as in Arabic language and used the terms corresponding with the types of ḥarakat. He uses such terms in the verb, infinitive and participle forms as to designate the short vowel [a] فتح fath(un), نصب naṣb(un), تفتح taftaḥu, مفتوح maftūḥ(un), منصوب maṣṣūb(un), to indicate the sound [i] كسر kasr(un), مكسور maksūr(un) maksūra(tun), انكسر inkasara, تكسر taksiru, كسرت kusirat, to express the vowel [u] ضم ḍamm(un), رفع rafʿ(un), مضمومة maḍmūma(tun), مرفوع marfūʿ(un), ضمت ḍammat, انضمت inḍammat, ترفع tarfaʿu, to denote the absence of a short vowel sukūn, ساكن sākin (sākina), مسكن musakkan (musakkana), يسكن yaskunu (taskunu), سكنت sakanat.

In «Diwan Lugat at-Turk» the term ḥarf is used in respect of phonetic units and postpositions, conjunctions, particles, suffixes, interjections, interrogatives as in the Arabic language.

авлодлари, бану Хафоча, яъни Хафоча авлодлари деб юритганлари каби эканини таъкидлайди (Mutallibov, 1960).

Туркий тиллар ҳақидаги маълумот. Маҳмуд Кошғарий турк тилининг хусусиятлари ҳақида тўхталиб шундай дейди: «Энг тўғри ва аниқ тил фақат биргина шу тилни биладиган, форслар билан аралашмайдиган ва шаҳарларга бориш-келиш қиладиган одами бўлмаган кишиларнинг тилидир. Улар суғдақ, кенжек, арғулар каби

икки тилда сўз сўзлашувчилардир; хўтанлилар, тубутлар ва тангутларнинг баъзиси каби икки тилда сўзлайдиганлар ва бошқа шаҳарларга бориб юрганлар тилида бузуқлик бордир» (Mutallibov, 1960).

Маҳмуд Кошғарий мочинликлар ва чинликларнинг алоҳида тиллари бор бўлса ҳам, шаҳарликлар туркчани яхши билишлари, лекин тубутликлар ҳам, хўжанликлар ҳам туркчани яхши билмасликлари ҳақида маълумот бериб ўтган.

Бу асарда уйғурларнинг тиллари туркча эканлиги, лекин ўзлари бир-бирлари билан сўзлашадиган бошқа тиллари борлиги, улар ёзувда йигирма тўрт ҳарфли туркча ёзувни қўллашлари, уйғурларнинг ҳам, чинликларнинг ҳам яна бошқа бир ёзувлари борлиги, улар китобларини ва идора ишларини шу хат билан юритишлари ҳақидаги маълумотлар шаҳар аҳолисига хос бўлса, саҳройилар ҳақида қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Чумулларнинг тиллари алоҳидадир. Улар туркчани ҳам биладилар. Шунингдек қай, ябақу, татар, басмил қабилаларининг ҳар бирининг тили ўзига хосдир. Шу билан бирга улар туркчани яхши биладилар. Сўнгра қирқиз, қипчоқ, ўғуз, тухси, яғмо, чигил, игроқ, жарук тиллари фақат туркчадир. Ямак, бошғирт тиллари буларга яқиндир. Румгача чўзилган булғар, сувар, бачанаклар тили бир хилдаги сўзларнинг охири қисқартирилган бир туркчадир» (Mutallibov, 1960).

«Маҳмуд Кошғарийнинг аниқлашича, энг енгил тил ўғузча, энг тўғри тил яғмо, тухси қабиларнинг, шунингдек Или, Иртиш, Ямар, Этил водийларидан уйғур шаҳарларигача бўлган жойларда яшовчиларнинг тилидир. Буларнинг ичида энг очик ва равон тил – Ҳоқония ўлкасида яшовчиларнинг тилидир» (Mutallibov, 1960). Ҳам суғдча, ҳам туркча сўзловчилар болосоғунликлар, Тироз ва Мадинатул-байдаъ шаҳарининг халқлари бўлган. Маҳмуд Кошғарий Испижобдан то Болосоғунгача бўлган арғу шаҳарларининг ҳаммасида яшовчиларнинг тилида ҳам камчилик бор экани, Қашқарда канжакча сўзлашадиган қишлоқлар мавжудлиги, шаҳар ўртасида турувчилар ҳоконий туркчасида сўзлашларини қайд этади.

Девонда келтирилган мазкур умумий маълумотлардан сўнг туркий лаҳжалар орасидаги фарқлар қиёсий метод асосида баён қилинади. Сўз бошидаги [y] товуши ўғуз ва қипчоқларда тушиб қолиши ёки [j]га айланишини айтиб, [y]нинг тушиб қолишига қуйидаги мисол келтирилади: турклар мусофирни *yälkin* десалар, ўғузлар *älkin* дейдилар.

Турклар *yiliğ suv* десалар, ўғузлар *iliğ suv* дейдилар (Mutallibov, 1960).

[Y]-[J] мослигига *yınju-jınju* (марварид), *yugdu-juğdu* (туянинг узун юнги), сўз охирида [y]-[n] мослигига *qoy-qon* (қўй), *čigay-čigān* (камбағал) мисолларини келтиради.

Маҳмуд Кошғарий турклар билан ўғуз, қипчоқ ва суворийлар орасидаги фарқларга [m]-[b] (*man-ban, mun-bun* – шўрва); [t]-[d] (*tavay-davay* – туя) каби мосликларни кўрсатади (Mutallibov, 1960), шунингдек яғмо, тухси, қипчоқ, ябақу, татар, қай, чумул ва ўғузларнинг асл туркий тишора [z]ни (ёки [d]ни) [y]га айлантиришларини қайд этади: *qazın-qayın, ozoq-oyuq* каби.

Хўтанликлар ва канжаклар *ata* сўзини *hata* (ота), *ana* сўзини *hana* (она) дейишларини айтиб бундаги орттирилган [h] товуши туркий тилларга хос эмаслигини айтади.

Маҳмуд Кошғарий ўтган замон сифатдоши (масалан: *borğan-kalğan*)даги [ğ] ва [g]нинг ўғузчада тушиб қолишини ҳам (*boran-gälän* тарзида) қайд этади.

График ва фонетик маълумот. Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғоти-т-турк» асарида туркий сўзларнинг ёзилиши ва туркларгагина хос бўлган товушларнинг талаффуз ўрни ҳақида батафсил тўхталиб ўтган. Бу асарда туркларнинг қадимги ёзуви, яъни уйғур ёзувининг арабча муодили кўрсатилган (Kâşgarlı, 1990; Mutallibov, 1960).

Уйғур ёзувида ифодаланмаган етти та туркий товушнинг араб ёзувидаги ифодаси ва уларнинг талаффуз ўрни баён қилинган. Булар: қаттиқ [b] (ал-*bā'u-ş-şulba*, яъни [p]), арабча [j] (портловчи [j]), маҳражи [z] ва [š] оралиғида бўлган [j] (сирғалувчи [j]), арабча [f], нуктали [ğ], маҳражи [q] ва [k] оралиғида бўлган [g], маҳражи [ğ] ва [k], [n] ва [q] оралиғида бўлган бурун [ŋ] (Kâşgarlı, 1990, p.3b-4a).

Маҳмуд Кошғарий туркий тилларнинг товуш хусусиятлари ҳақида гапириб, турк сўзларида араб тилига хос бўлган тишора [s] товуши, итбоқ (эмфатик) товушлар ва бўғиз товушлари йўқлигини таъкидлайди.

Маҳмуд Кошғарий, уйғур ёзувида араб тилига хос товушларни ифодалаш учун тегишли уйғур ҳарфига диакритик белгилар қўйиб ифодаланади, дейди. Масалан: арабча [s] ҳарфини ёзиш керак бўлса, туркча *zāl* устига нукта қўйилади. Арабча *dād* ҳам шундай ёзилади. Арабча *ṣād* ҳарфини ифодалаш учун уйғурча *sin* ёзилади ва унга нукта қўйилади, дейди.

«Девону луғоти-т-турк»да келтирилган график ва фонетик маълумот ҳақида сўз кетганда Маҳмуд Кошғарийнинг бу соҳада қўллаган атамалари хусусида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, асарда туркий сўзларнинг фонетик, морфологик хусусиятлари араб тилшунослиги атамалари орқали мохирона ёритилган.

Табиийки, لسان *lisān* (тил), لغة *luğa* (тил, сўз), أصل *aşl* (ўзак), مېنى *mabniy* (туб), مشتق *muştāqq* (ясама), أمر *'amr* (февълнинг буйруқ майли), ماضى *mādiy* (ўтган замон), مضارع *muḍārī* (ҳозирги-келаси замон), مصدر *maşdar*, إبدال *'ibdāl* (метатеза) каби ҳамма тиллар учун умумий бўлган тушунчаларни билдирувчи атамалар Маҳмуд Кошғарийгача ҳам мавжуд ва машҳур эди. Булар қаторига ҳаракатларга оид атамалар ҳам киради.

Араб тилида حركة *ḥarakat* ҳам фонетика, ҳам графикага оид атамалар. У фонетикада қисқа унли

товушни англатади, ёзувда қисқа унли товушни англатиш учун ҳарф усти ва остига қўйиладиган белгини билдиради. Бир неча ҳаракатга нисбатан унинг кўплик шакли حركات *ḥarakāt* қўлланади.

Маҳмуд Кошғарий бу атаманинг V боб аниқ даражадаги сифатдош шакли متحرك *mutaḥarrik* сўзини кўп қўллаган. Бу ҳарфга нисбатан ишлатилади ва ҳаракатли деган маънони англатади. متحرك *mutaḥarrik* ساكن *sākin* (ҳаракатсиз)нинг зидди. Масалан :

(Al-Kashgari, J.I, p.51). هذه أبواب متحرك الحشو.

Назиҳи *abvābu-l-mutaḥarriki-l- ḥašvi* (Бу ўрта ҳарфи ҳаракатли [сўзлар] боби).

Араб тили грамматикасида ҳаракат тушунчаси [a] қисқа унлисини ифодаловчи فاتحة *fatha(tun)*, [i] қисқа унлисини ифодаловчи كسرة *kasra(tun)*, [u] қисқа унлисини ифодаловчи ضمة *ḍamma(tun)* ва ундошдан сўнг унли товуш йўқлигини билдирувчи سكون *sukūn(un)* атамаларини ўз ичига олади.

Маҳмуд Кошғарий қисқа [a], [i], [u] унлиларини ифодалаганда юқоридаги атамалар билан бирга шу сўзларнинг ўзагидан ясалган феъл ва ҳамда уларга ўзакдош бўлган сифатдошлардан бошқа сўзлардан фойдаланади. [A] қисқа унлиси فتح *faṭḥ(un)* атамалари نصب *naṣb(un)* учун (فتوح *taftaḥu*, яъни фатҳаланади *maṣṭūḥ(un)*), яъни фатҳаланган атамаларини :қўллайди. Масалан

تمر – العرق في البدن و الغزيرة تقال «تمر» بفتح الميم. (Al-

(Kashgari, J.I, p.302

Tamur – al-‘irqu fi-l-badani. Wa-l-ğyziyyatu tuqālu tamar bi-faṭḥi-l-mimi. (Тамур – танадаги томир.

.(Ўғузчада [m] фатҳа билан tamar дейилади

يقال «برماق». فالباء مفتوحة. (Al-Kashgari, J.II, p.26)

yuqālu barmaq, fa-l-bā’u maftuḥatun. (бормоқ

.(дейдилар, [b] фатҳаланган

و النصب احف الحركات. (Al-Kashgari, J.I, p.302)

Wa an-naṣbu aḥaffu-l-ḥarakāti (Насб энг енгил

.(ҳаракатдир

ان يكتب المنصوب الأوسط بزيادة الف في هجاء التركية. (Al-

(Kashgari, J.I, p.339

’in yuktabu al-maṣṭūbu-l-awsati bi-ziyādati alif fi-hijā’i-t-turkiyyati (Ўртаси [a] олган бўлса, турк ҳарфларида алиф қўшилади).

Маҳмуд Кошғарий [i] унлисини англатувчи

(maksūr(un) مكسور *kasr(un)* атамаси билан бирга ,inkasara «انكسرة», «maksūra(tun)» «касралашган» *kasr* كسر «касра олган, касра олади» *kasr* كسرة «касралантирди» атамаларини қўллайди. Масалан «ينجو تزدى»... فالتاء مكسورة... «تزار» بكسر التاء... «تزمق» كذلك تكسر التاء.

(Al-Kashgari, J.II, p.26)

«Yinju tizdi»... fa-t-tā’u maksūratun... «tizar» bi-kasri-t-tā’i... «tizmoq» ka-zalika taksuru-t-tā’a. («Инжу

тизди» [t] касраланган... «Тизар» [t] касра билан... «Тизмок» худди шундай [t] касра олган).

(Al-Kashgari, J.I, p.127) كسرت فؤه – *kusirat fā’uḥu* (f си касралантирилган).

Маҳмуд Кошғарий ضَم *ḍamm(un)* атамаси қаторида رفع *raf’(un)*, مضمومة *maḍmūma(tun)*, مرفوع *marfū’(un)* «даммалашган», انضمت *ḍammat*, انضمت *’inḍammat* «дамма олган», ترفع *tarfa’u* «[u] олади» атамаларидан фойдаланади. Масалан:

(Al-Kashgari, J.I, p.127). فضمت القاف في المصدر. – *fa-ḍammat al-qāfu fi-l-masdsri* (масдарда [q] дамма олган).

(Al-Kashgari, J.II, p.27) «انضمت الياء – *’inḍammat al-yā’u* («yukrimu» [y] дамма олган).

(Al-Kashgari, J.I, p.127) «ثُردي» إذا قام. فالتاء مرفوعة «ثُردي» في الماضي... «ثُرماق». ترفع التاء فيه

«Turdi ’iza qāma, fa-t-tā’u marfū’atun fi-l-mādi («Турди» ўтган замонда [t] [u] олган).

«Девону луғоти-т-турк»да سكون *sukūn* атамаси ҳам турли шаклларда қўлланган, яъни ساكن *sākin* (*sākina*) «суқун олган», مسكن *musakkan* (*musakkana*) «суқунланган», يسكن *yaskunu* (*taskunu*) «суқун олади», سكنت *sakanat* «суқун олди». Масалан:

(Al-Kashgari, J.II, p.27) يقال سكنت القاف في الغابر. – *Sakanat al-qāfu fi-l-ğābiri* («yaq’udu» дейилади. Келаси замонда [q] суқун олди).

و يقال «يَمُطَرُ» تسكن الميم فيه (Al-Kashgari, J.I, p.127) – *wa tuqālu «yamṭuru»*. *Taskunu al-mimu fihi* («yamṭuru» дейилади, [m] суқун олади).

(Al-Kashgari, J.I, p.127) باب فَعْلًا مَسْكَنَةً اللام الاولى – *bābu fa’allā musakkanatu-l-lami-l-ūlā* (Биринчи [l] ҳаракатсиз фаълалā боби).

Маҳмуд Кошғарий ساكن *sākin* атамасини кўп қўллаган. Бу атама араб тилшунослигида ҳам қўлланади. «Девону луғоти-т-турк»да *sākin* нинг кўплиги ساكن *savākin* ҳам ишлатилади.

و بعد ارغو تقولون «بالق» بثلاث سواكن (Al-Kashgari, J.I, p.317)

Wa ba’du arḡu taqūlūna «balq» bi-salāsi sawākin (Арғуларнинг айримлари учта сокин билан «балқ» дейдилар).

Маҳмуд Кошғарий ҳаракат билан боғлиқ умумий ва туркий тилшунослик учун муҳим бўлган бир фикрни баён қилади. Бу туркий имлода ҳаракатларнинг, яъни қисқа унлиларнинг ҳарф билан ифодаланишидир. Маҳмуд Кошғарий турк ёзувида фатҳа алиф билан, дамма wāw билан, касра yā’ ҳарфи билан ифодаланади, дейди (Kāşgarli, 1990, p.4b).

Араб тилшунослигида حرف *ḥarf* (кўп. حروف *ḥurūf*, احراف *aḥruf*) деганда нутқ товуши ва товушнинг ёзувдаги белгиси, ҳамда ёрдамчи сўз, яъни қўмакчи, боғловчи ва юкламалар тушунилади.

Маҳмуд Кошғар туркий қўшимчаларни زيادات «ziyādāt» (орттирмалар) деб атайди. Масалан: бир товушдан иборат қўшимчаларга феълдан от ясайдиган қўшимча /-a/ ни *alif*, /-t/ ни *tā'*, /-č/ ни *jim*, /-š/ ни *šin*, /-ğ/ ни *ğayn* номи билан келтирган.

Асарда араб тилида мавжуд бўлмаган товушларга қуйидагича тавсиф берилган:

[p] – الباء الصلابة *al-bā'u-ṣ-ṣulba* (қаттиқ, яъни жарангсиз *bā'*);

[j] – الزاء المتولدة بين مخرجي الزاء و الشين *az-zā'u-l-mutawallida bayna mahrajayyi-z-zā' wa-š-šin* (*zā'* ва *šin* махражлари орасидан чиқадиган *zā'*);

[g] – الكاف الركيكة *al-kāfu-r-rakika* (юмшок, яъни жарангли *kāf*);

[ng] – كاف الغنة *kāfu-l-ğunna* (бурун *kāfi*).

«Девону луғоти-т-турк»да *ḥarf* атамасининг морфологик бирликларга нисбатан ҳам қўлланган. Маҳмуд Кошғарий ҳарф туркумига кўмакчи, боғловчи, юклама, қўшимча ҳамда ундов ва сўроқ билдирувчи сўзларни киритган. Бу маънодаги *ḥarf* атамасининг асли حرف المعنى *ḥarf-u-l-ma'na* бўлиб, тилшунослар уни қисқартириб *ḥarf* тарзида ишлатадилар, Маҳмуд Кошғарий туркий ҳарфларни бир қанча турларга бўлиб, уларни аниқловчиси билан атайди. Қуйидагилар шулар жумласидандир:

حرف تأكيد و مبالغة – таъкид ва муболаға кўмакчиси, масалан:

كذ – حرف تأكيد و مبالغة في وصف الشيء (Al-Kashgari, J.I, p.270)

kād – ḥarf-u ta'kid wa mubalağafi wasfi-š-šay'i (*kād* – нарсаларни тасвирлашдаги таъкид ва муболаға кўмакчиси).

حرف إنكار – инкор юкламаси, масалан –

أو – بإشباع الالف. حرف إنكار لأمر الأمر. (Al-Kashgari, J.I, p.43)

av – bi-išbā'i-l-alif, ḥarf-u 'inkār li-'amru-l-āmīr (*av* – ишбоъли *a*. Буюрувчи буйруғини инкор қилиш маъносидаги юклама:

حرف تحنن وتعطف – меҳрибонлик ва ҳамдардликни билдирувчи ёрдамчи сўз, масалан:

ألج – حرف تحنن وتعطف على البنين. يقال منه «ألجتم» اي بُنيّ (Al-Kashgari, J.I, p.53).

ulič – ḥarf-u taḥannun wa ta'attuf 'ala-l-banin, yuqālu minhu 'ulhčim *ay bunayya* (*ulič* – ўғилларга меҳрибонлик ва ҳамдардлик билдирувчи ундов. «Уличим», яъни «ўғилчам» дейилади.

حرف تعجيل – тезлатиш юкламаси, масалан:

شَبّ – حرف تعجيل. كقول العرب «هلا». يقال منه «شَبّ كل» اي اسرع في المجيء.

(Al-Kashgari, J.I, p.268).

šab – ḥarf-u ta'jil ka-qawli-l-'arabi 'ḥallan *yuqālu minhu 'šab kāl* *ay asri 'fi-l-majī'i* (*šap* – тезлаштириш юкламаси. Арабларнинг «ḥallan» дегани каби. «šar kāl», яъни «тез кел» дейилади).

Маҳмуд Кошғарий ёрдамчи сўз маъносидаги *ḥarf* атамасини қуйидаги сўзларга нисбатан ҳам қўллаган:

ab – жуда, *uš* – шундай, *uš* – ҳозир, *oš-oš* – ўш-ўш (хўкизни сув ичишга ундашда ишлатиладиган ундов), *aa* – а-а (лол қолишни ифодаловчи ундов), *ova* – ха, лаббай (чақирганга жавоб), *ah* – инкор маъносидаги ўғузча ундов, *učin* – учун, *ičīn* – орасида, *alo* – секин (ундов сўз), *ašnu* – олдин, илгари, *abah* – агар, агарда, *ohu* – бошқа, *azin* – бошқа, бўлак (чигилча), *aḥar* – унга, *astin*, *altin* – ост, қуйи, *aqru* – секин, *andağ* – шундай, *anda* – у ерда, *ayru* – бошқа, йўқ, эса, бўлмаса, *asra* – қуйи, ост, *tab* – етарли маъносидаги юклама, *zaab-zab* – тез (ундов), *šab* – тез, дарров (ундов), *qob* – жуда, *mat* – шундай, *qač* – қанча, *čaq* – худди, айнан, *čik* – чикка, *kim* – ким, *yana* – яна, *mah* – «ма, ол» маъносидаги ундов, *yah* – хўп, шундай, ха, *dah*, *zah* – йўқ, эмас (арғуча), *tizin* – вақтида, *qayda* – қаерда, *-ča* – шунча, каби, -дек маъносини англатувчи юклама, *sa* – сен, *-ğu* – буйруқ феълларга қўшилиб макон, замон, асбоб-анжом исмлари ҳосил қилинади, *-qa* – қа, (-gä), *qi* – эй (ундов), *ma* – ма (ол маъносида), *-mi* – ми (сўроқ юкламаси) ва ҳоказо.

Морфологик маълумот. Маҳмуд Кошғарий девонининг муқаддима қисмида турк лаҳжалари учун умумий бўлган муҳим морфологик маълумотларни ҳам беради. Бу борада у қуйидаги сўз ясовчи қўшимчаларни мисоллари билан санаб ўтади:

/-a/ (/a/): *bilig* (илм) - *bilga* (олим); *og* (онг) - *oga* (онгли); *uv* (увок) - *uva* (таом тури);

/-t/ : *qač* (қочмоқ сўзидан) - *qačut* (қувиш); *kāz* (кәзмәк); *kāzūt* (кийим);

/-č/ : *köm* - *kömäč*; *sävin* - *sävinč*;

/-š/ : *bil* - *biliš*; *ur* - *uruš*;

/-ğ/ : *orı* - *oriğ*; *quru* - *quruğ*;

/-q/ : *tara* - *tarğoq* (тароқ); *or* - *orğoq* (ўроқ).

/-k/ : *käs* - *käsäk* (кесак);

/-g/ : *tiri* - *tirik*; *öl* - *ölug*;

/-l/ : *bıçığ* - *bıçığ* (ёрилган);

/-m/ : *yaz* (ёз-) - *yazım* (тўшак); *bıç* (кес-) - *bıçım* (кесим);

/-n/ : *aq* - *aqın* (оқадиган); *yığ* - *yığın*;

/-u/ (/ü/): *soruğ* - *sorğu* (сўрғич); *turuğ* - *turğu* (турадиган).

Девоннинг муқаддима қисмида берилган маълумотлар мана шулардан иборат.

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғоти-т-турк»нинг луғат қисмига фақат туркий сўзларни киритиб, арабча ва форсча сўзларни киритмаган. Бу қисм саккиз бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бўлим иккига бўлинган ва ҳар бири «китоб»деб аталган. Бўлимнинг биринчи китобига отлар, иккинчисига

феъллар киритилган. Ҳар китобда сўзлар вазнига қараб алифбони ҳисобга олган ҳолда сираланган.

Маҳмуд Кошғарий белгиллаган сўз вазнлари.

Шарқ тилишунослари «вазн» сўзидан тил илмида ҳам фойдаланадилар. Бу ҳолда «вазн» атамаси мазмун жиҳатдан шеършуносликдаги шу атамадан фарқ қилади. «Вазн» сўзидан илмда қайси тушунчалар назарда тутилишини Бобур ўзининг арузга бағишланган рисоласида жуда яхши баён қилган:

«Билгил вазни мақодиру азмина ва алфозга итбоқ қилинур (яъни «вазн» сўзи миқдор ва замон бирликлари ва лафзларга нисбатан қўлланади – С.Р.). Иккиси хорижи мабҳасдур, ғараз вазни алфоздур (яъни миқдор ва замон ўлчовлари филология объектидан ташқаридир – С.Р.). Алфоз вазнидан икки тоифа баҳс қилур, бири сарфийлар, яна бири арузийлар (яъни сўзларнинг вазни морфология ва арузшунослар баҳсига мансуб – С.Р.). Сарфийларнинг мезони *fa'ala* лафзидур. Бу тоифа андоқ мезон қилурларким, мавзун била вазннинг ҳуруфи мусовий бўлғай ва ҳаракати муттаҳид, нечунким *naşara* ва *yaşuru*, *nāşir* ва *mañşūr fa'ala* ва *yaf'alu*, *fā'il* ва *maf'ul* вазнидур (яъни морфологлар сўз вазнларини *fa'ala* вазни билан ифодалядилар. Вазн ва шу вазн билан белгиланадиган сўзнинг ундошлари тенг, унлилари бир хил бўлади, масалан *naşara* сўзининг вазни *fa'ala*, *yaşuru* сўзиники *yaf'ulu*, *nāşir* сўзиники *fā'il* ва *mañşūr* сўзиники *maf'uldur* – С.Р.). Арузий – мезони мазкур бўлган *afā'ulu mafā'ilu* ҳаштгона ва музоҳафотидур-ким ҳам *fa'ala* лафзидин муштақдур (яъни арузшунослар саккизта рукн ўлчови – *fā'ilun*, *fa'uwlun*, *fā'ilātun*, *mafā'iyun*, *mustaf'ilun*, *fā'ilātu*, *mafā'ilatun*, *mutafā'ilun* ва уларнинг ўзгарган шакллари ҳам *fa'ala* сўзидан ясалгандир – С.Р.). Бу тоифа андоқ мезон қилурларким, мавзуннинг муталаффаз ҳуруфи вазн била мусовий бўлғай ва ҳаракотида иттиҳод лозим, нечунким *жаҳон гаштам* (жаҳон кездим), *жон кашидам* (жонга еттим), *mafā'iyun fā'ilātun* вазнидадур (Bobir, 1971, p.30-31).

Демак, арузшуносларнинг «вазн» атамаси морфологларнинг «вазн» атамасидан фарқ қилар экан. Морфологияда вазннинг унлилари шу вазнга мансуб сўзнинг унлилари билан бир хил бўлса, арузда унлилар бир хил бўлиши шарт эмас.

Масалани яна ҳам ойдинлаштириш учун шакли морфология ва аруз учун умумий булган *fa'ul* вазнини олиб кўрайлик. Морфологик нуктаи назардан мазкур вазнга *jasūr*, *'ajūz*, *'asūr* сингари биринчи унлиси [a], иккинчи унлиси чўзиқ [ū] бўлган сўзларгина мансуб, лекин арузда биринчи бўғинида қисқа унли, иккинчи бўғинида чўзиқ унли бўлган ҳамма сўзлар мансубдир: *qimor*, *qadim*, *qudūm* каби. Морфологияда буларнинг биринчиси *fi'āl*, иккинчиси *fa'īl*, учинчиси *fu'ul* вазнидадир.

Араб тилидаги сўз ўзаги ундошлардан иборат бўлиб, унлилар сўз ва форма яшаш вазифасини бажаргани учун сўз ва унинг формаларининг тузилишини мазкур услуб билан ифодалаш энг маъқул йўлдир (Grande, 1963, 1972; Zvegintsev, 1958).

Шунинг учун ғарб олимлари ҳам араб тили морфологиясини тавсиф қилганда араб филологлари ижод қилан вазнлардан фойдаланадилар. Араб морфологиясининг вазнлари кўп. Масалан, масдарлар: *fa'lun*, *fi'lun*, *fu'lun*, *fa'alun*, *maf'ilatun*, *taf'ilun*, *taf'ilatun*, *mufā'alatun*, *fi'ālun*, *'if'ālun*, *tafa'ulun* ва бошқалар; актив ва пассив сифатдош вазнлари *fā'ilun*, *maf'ulun*, *mufa'ulun*, *mufa'alun*, *mufā'ilun* ва *mufā'alun*, *maf'ilun* ва *muf'alun* ва бошқалар.

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғоти-т-турк» асарида туркий тиллардаги сўзларнинг вазнларини келтирган. Масалан, *armut* (нок), *ozğūč* (аланга), *örküč* (тўлқин) каби сўзларни *af'al* вазни билан беради. Шу ерда ва бошқа кўп ўринларда вазндан сўнг *fi ҳаракатиhi* (турли ҳаракатларда) деб қўшимча қилинган. Бу Маҳмуд Кошғарийнинг луғат тузишдаги ўзига хос усулдир. У вазн шаклан кўпайиб кетиши мумкин бўлган ўринларда уларнинг битта шаклини бериб, *fi ҳаракатиhi*, яъни ҳарф «турли ҳаракатларга эга» деб таъкидлаш билан кифояланади.

Қуйида Маҳмуд Кошғарийнинг туркий сўзларга ясаган вазнлари (*транслитерация орқали*) мисоллар (*транскрипция орқали*) ёрдамида ифодаланган:

1. *af'al fi ҳаракатиhi* – *armut* (нок), *ozğūč* (аланга), *örküč* (тўлқин);
2. *fa'āl* – *uḥaq* (ўрик шарбати), *uṣaq* (иғво);
3. *fa'lā fi ҳаракатиhi* – *ormu* (ўрта), *ordu* (хон шаҳри), *arpa* (арпа);
4. *fu'ul* – *üčünč* (учинчи), *umunč* (умид);
5. *fa'anlā fi ҳаракатиhi* – *avinču* (овунчок), *itinčü* (туртилган);
6. *fa'ālū*, *fu'ālū*, *fi'ālū fi ҳаракатиhi* – *alaču* (чодир), *oḥṣaḡu* (ўйинчок);
7. *afā'ul fi ҳаракатиhi* – *uraḡut* (аёл), *Aramut* (жой номи);
8. *af'alān* – *arpaḡan* (ўсимлик номи), *armaḡan* (ҳадя);
9. *fi'inli fi ҳаракатиhi* – *aqındı* (оқар сув), *ākındı* (экилган);
10. *af'āl* – *arḡaḡ* (қармоқнинг илгаги);
11. *fa'lūli* – *avzuri* (таомнинг номи);
12. *fa'ālil* – *alanır* (хайвоннинг номи);
13. *fa'al* – *alar* (қизармоқ);
14. *fa'laldi* – *aḡtardı* (ағдарди);
15. *fa'l* – *bart* (суюқлик учун ўлчов бирлиги);
16. *fu'l* – *murč* (мурч), *tort* (тўрт);

17. fi'l – *qırq* (қирқ);
18. fa'al – *qanat* (қанот);
19. fa'ul – *basut* (ёрдам);
20. fa'il – *bağır* (жигар);
21. fā'il – *balıǵ* (ярадор);
22. fā'ül – *qağun* (ковун), *lağun* (идишнинг номи);
23. fa'āl fi ḥarakatihi – *tavar* (товар), *tilāk* (тилак);
24. fa'il fi ḥarakatihi – *büdik* (ракс);
25. fa'lū – *čanču* (ўқлоқ), *baldu* (болта);
26. fa'li – *qarşı* (хон саройи);
27. fa'lān fi ḥarakatihi – *qalqan* (қалқон), *qaftan* (устки кийим);
28. fu'lān fi ḥarakatihi – *munğan* (эзма киши);
29. fi'lān fi ḥarakatihi – *sıçğan* (сичқон);
30. fa'ilān fi ḥarakatihi – *qarızan* (мункиллаган қария);
31. fa'anli fi ḥarakatihi – *saçındı* (сочилган), *tızındı* (таъқиқланган);
32. fu'lul fi ḥarakatihi – *qızğut* (жазо), *tutsuğ* (васият);
33. fa'lal fi ḥarakatihi – *sänkäç* (олма нави);
34. fa'lāl fi ḥarakatihi – *tutmaç* (таомнинг номи);
35. fa'allū fi ḥarakatihi – *käsürgü* (қоп), *süpürgü* (супурги);
36. fu'lulī – *buldunı* (сутли таомнинг номи);
37. fu'lundī fi ḥarakatihi – *quçğundı* (пиёз);
38. fa'al'al fi ḥarakatihi – *qamışlıq* (қамишли ер);
39. fa'allān – *tavişğan* (куён), *sağızğan* (зағизғон);
40. fa'lalal fi ḥarakatihi – *tamğalıq* (кўзача);
41. fa'al'alal fi ḥarakatihi – *qaqalduruq* (эркаклар кийими);
42. fa'lāl fi ḥarakatihi – *qarğaq* (қарғиш), *talğağ* (қор бўрони);
43. fa'alđi fi ḥarakatihi – *buruttı* (буғлантирди), *kaçıttı* (кечиктирди);
44. fa'āl – *bayat* (ўғуз қабиласининг номи);
45. fay'al – *bäyräm* (байрам), *Sayram* (шаҳарнинг номи);
46. fa'lalđi fi ḥarakatihi – *kayturđı* (қуйдирди), *quyturđı* (қуйдирди);
47. fa'ālāđi fi ḥarakatihi – *tabaladı* (изза қилди);
48. fa'ülāđi fi ḥarakatihi – *satuladı* (эзмаланди);
49. fa'lalū – *qonraqū* (қулоқ остида пайдо бўладиган ўсимта);
50. fa'lāđi – *tanladı* (хайрон қолди);
51. fa'lal fi ḥarakatihi – *qanđaş* (амакиваччалар);
52. fa'ilāđi fi ḥarakatihi – *yañıladı* (янгилади).

Маҳмуд Кошғарий ўз Девонида туркий сўзларни сиралашда фойдаланган сўз вазнлари шулардан иборат.

Хулоса

Демак, «Девону луғоти-т-турк» асари туркий сўзларнинг арабча изоҳли луғати бўлиши билан бирга ўз ичига туркий тилларга хос фонетик, график, морфологик қонун-қоидалар мажмуасини ҳам қамраб олган. Маҳмуд Кошғарий бу асарда турклар ҳақида маълумот берган, туркий тиллар, уларнинг фонетик, график ва морфологик хусусиятларига боғлиқ масалаларни ёритган. «Девону луғоти-т-турк»да туркий сўзлар фонетикаси ва морфологияси араб тилида, араб тилшунослигига хос усул ва атамалар воситасида ёритилган. Хусусан, унли товушларга нисбатан туркий тиллар фонетикасида мавжуд бўлмаган «ҳаракат» тушунчасини киритган ва унинг турларини ифодалашда феъл, масдар, сифатдош шаклларидаги атамаларни кенг қўллаган. Асарда *ḥarf* атамаси товуш, юклама ва айрим равишларга нисбатан қўлланган. Маҳмуд Кошғарий туркий сўзларнинг элликдан ортиқ вазнларини кўрсатиб берган. Булар «Девону луғоти-т-турк» асарининг туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Akmalkhanov, Akmalkhan. (2019). «Abu Yakub Sakkokiy's views about verb words». The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 3, Article 14. Retrieved from <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss3/14>
2. Alimuhamedov, R. (2017). Kosimcan Sodikov. Maḥmud Kaşgariy: Devanu Lugati-t-Türk [Türkiy Sūzlar Devanı], Gafur Gulam No-midaği Naşriyet, Toşkent, 2017, ss. 488, ISBN: 978-9943-03-972-8. Journal of Old Turkic Studies, 2(1), 125-129. Retrieved from <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/415566>
3. Al-Kashgari, Mahmud. (1333, J.I). Kitab Divan lugat at-turk. Jild I.
4. Al-Kashgari, Mahmud. (1333, J.II). Kitab Divan lugat at-turk. Jild II.
5. Al-Kashgari, Mahmud. (2010). Divan lugat at-turk (Svod tyurkskix slov). (Perevod s arabskogo A.Rustamova. Pod redaksiey I.V.Kormushina). Tom 1. V 3-x t. Moskva Vostochnaya literatura.
6. Al-Kashgari, Mahmud. (2018). Divan lugat at-turk (Svod tyurkskix slov). (Perevod s arabskogo yazika A.Rustamova. Pod redaksiey S.Xasanova, Sh.Xasanovoy, S.Rustamiy, M.Rustamova i dr.) Tom 1. Tashkent: Mumtoz so'z.
7. Bobir. (1971). Mukxtasar (Nashrga tayyorlovchi S.Hasanov. Toshkent.
8. Dadaboyev H. (2017). «Devonu lug'atit turk»ning til xususiyatlari. Toshkent.
9. Divanü lügat-it-türk dizini. (1972). Türk dil kurumu yayınları. Ankara, 1972.
10. Grande, B.M. (1963). Kurs arabskoy grammatiki v sravnitelno-istoricheskom osvecheniy. Moskva.

11. Grande, B.M. (1972) Vvedenie v sravnitelnoe izuchenie semitskix yazikov. Moskva.
12. Islomov, Z. (2019) «The role of the International Islamic Academy of Uzbekistan in the development of islamic studies», The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1. Retrieved from <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss1/1>
13. Kâşgarlı, Mahmud. (1990). Dīvanü lūgati-t-türk. Tıpkıbasım/Facsimile. Kültür bakanlığı. Ankara.
14. Kononov, A.N. (1972). Maxmud Kashgarskiy i ego «Divanu lug‘at it-turk», Sovetskaya tyurkologiya, № 1, 3-17.
15. Koshgari, Mahmud. (2017). Devonu lug‘oti-t-turk [Turkiy so‘zlar devoni]. (Nashrga tayyorlovchi: Q.Sodiqov). Toshkent.
16. Koshgariy, Mahmud (2016). Turkiy so‘zlar devoni (Devonu lug‘oti-t-turk). (Nashrga tayyorlovchilar: A. Rustamov, H. Boltaboev). Toshkent. Mumtoz so‘z.
17. Mutallibov, S.M. (1960) Mahmud Koshg‘ariy. Turkiy so‘zlar devoni. (Tarjimon va nashrga tayyorlovchi Mutallibov S.M). T.I. Toshkent.
18. Nizamova, F. (2019). The history of studying Khusrav Dekhlavi’s work. The Light of Islam, 2019(2), 19. 95-99. Retrieved from <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss2/19>
19. Nosirova, M. (2019). Scientific heritage of Makhmud Zamakhshari and actual questions of the studies of Mavarennakhrs linguistic school. The Light of Islam, 2019(1), 14. Retrieved from <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss1/14>
20. Rustamiy, S. (2016). «Esasu-l-belaga» ve «Divan-u lugat-it-türk» eserlerinin dil bilimi ve belagat bilimiyle ilgili yönleri. Electronic Turkish Studies, 11(20). Retrieved from http://www.turkishstudies.net/files/turkishstudies/485561154_24RustamiySalimakhon-tde-503-522.pdf
21. http://www.turkishstudies.net/files/turkishstudies/485561154_24RustamiySalimakhon-tde-503-522.pdf
22. Rustamiy, S. (2018). Typological peculiarities of science of balaghah, rhetoric and stylistics. The Light of Islam, 2018(1), 16. Retrieved from <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2018/iss1/16/>
23. Shoaliyeva, N. (2019). Composition «Maslak ul-Muttaqin» Sufi-Allohyor to the Turk (old Uzbek)-Persian literature. The Light of Islam, 2019(2), 15. Retrieved from <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss2/15>
24. Zvegintsev, V.A. (1958). Istoriya arabskogo yazikoznaniya. Moskva.

